



O'ZBEKISTON O'VOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 7-aprel. Seshanba 40 (31.943)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЭТИБ САЙЛАНГАНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимизда 2015 йил 29 март кuni бўлиб ўтган сайловда Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани муносабати билан хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ташкилотлар раҳбарлари, хорижий мамлакатларнинг таниқли жамоат аربоблари номидан самимий тилаклар билдирилган қутловлар келиши давом этмоқда.

Жумладан, Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обаманинг қутловида бундай дейилади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Президент Жаноби Олийлари!

Сиз Президент лавозимида навбатдаги муддатда иш бошлаётганингиз муносабати билан Сизга ва Ўзбекистон халқига тинчлик ва равнақ тилайман. Америка Қўшма Штатлари ва Ўзбекистон ўртасида муштарак манфаатлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро муносабатларимизнинг мустаҳкам ва изчил ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, биз кўплаб умимий таҳдидларга ҳам дуч келмоқдамиз. Ўзаро ҳамкорлигимиз

икки томонлама муносабатларимиз кенгайишига, шериклигимиз халқларимиз фаровонлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Бугунги таҳликали дунёда доимий барқарорлик ва хавфсизликка демократик ва масъулиятли бошқарувсиз, жумладан, асосий ҳуқуқ ва эркинликларга риоя қилмасдан эришиб бўлмайди. Президент лавозимида янги муддатдаги фаолиятингизда ушбу муҳим масалалар бўйича Сиз билан ҳамкорликни давом эттириш ниятидаман. Америка халқи номидан Ўзбекистон халқига эзгу истакларимни йўллаб, мамлакатингизга тинчлик ва тараққиёт тилайман.

Эҳтиром билан,

Барак ОБАМА,
Америка Қўшма Штатлари Президенти.

Шунингдек,
Америка Қўшма Штатлари Давлат котиби
Чехия Республикаси Президенти
Миср Араб Республикаси Президенти

Афғонистон Ислон Республикаси Президенти

Таиланд Қироллиги Бош вазири
Грузия Президенти

Арманистон Республикаси Президенти

Фаластин Давлати Президенти,
Фаластин озодлик ташкилоти
ижроия қўмитаси раиси

Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси

Энергетика Хартяси Бош котиби
Саудия Арабистонида истиқомат қилаётган ватандошлар

Россия Федерацияси мусулмонлари идораси раиси, Россия муфтийлар кенгаши раиси

Тошкент ва Ўзбекистон метрополити,
Ўрта Осиё метрополия округи раҳбари

Британия — Ўзбекистон жамияти раиси

Марказий Осиё бўйича Кембриж форуми раиси, профессор

«РУСАЛ» компанияси президенти

— Жон Керри

— Милош Земан

— Абдулфаттоҳ Ал-Сиси

— Мухаммад Ашраф Ғани

— Прают Чан-Оча

— Георгий Маргвелашвили

— Серж Саргсян

— Махмуд Аббас

— Валентина Матвиенко

— Урбан Руснак

— Сафохон Жалолхон

— Тўра Марғилов

— Равиль Ғайнутдин

— Викентий

— Хартли Бут

— Сиддхарт Саксена

— Олег Дерипаска

— ҳам табрик йўллаган.

Қутловлар келиши давом этмоқда.

2015 йил
6 АПРЕЛЬ КУНИ
МАРКАЗИЙ
САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
МАЖЛИСИ БЎЛИБ
ЎТДИ. УНДА 2015
ЙИЛ 29 МАРТ
КУНИ БЎЛИБ
ЎТГАН
ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ
САЙЛОВИ
НАТИЖАЛАРИ
КЎРИБ ЧИҚИЛДИ.



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари эълон қилинди

Сайлов натижалари кўрсатганидек, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг 17 миллион 122 минг 597 нафари (90,39 фоизи) Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Ислон Абдуганиевич Каримовни ёқлаб овоз берди. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан кўрсатилган номзод Акмал Холматович Саидовга 582 минг 688 нафар сайловчи (3,08 фоиз), Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Ҳотамжон Абдурахмонович Кетмоновга 552 минг 309 нафар сайловчи (2,92 фоиз), Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Наримон Маджитович Умаровга 389 минг 24 нафар сайловчи (2,05 фоиз) овоз берди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90, 117-моддаларига, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 35, 36-моддаларига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ислон Абдуганиевич Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланган, деб ҳисоблаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мажлисда сайлов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунларга мувофиқ фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқини таъминлаган

ҳамда умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш тамойилларига риоя қилган ҳолда бўлиб ўтгани таъкидланди.

Америка, Европа, Осиё ва Африканинг 43 давлатидан ва бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислон ҳамкорлиги ташкилотидан 299 нафар кузатувчи иштирок этгани сайлов кампанияси демократик ва шаффоф ўтганининг ёрқин далилидир. Сайлов жараёнини мониторинг қилишда сиёсий партиялардан 35 мингдан ортиқ кузатувчи ҳам иштирок этди.

Президент сайловини мамлакатимизнинг қарийб 600 та ва 180 дан зиёд хорижий оммавий ахборот во-

ситалари, шу жумладан, қарийб 180 та хорижий ва миллий интернет нашрлари ёритиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва ҳудудий матбуот марказлари томонидан мамлакатимиз ва чет элнинг 980 нафардан ортиқ журналисти иштирокида сайлов кампаниясининг муҳим босқичларига бағишланган 70 дан ортиқ матбуот анжумани, брифинг ва онлайн брифинглар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ 12750 дан зиёд мақола ва ахборот материаллари, кўрсатув ҳамда эшитиришлар эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссияси
Матбуот хизмати ахбороти
асосида тайёрланди.

Бир марталик
вақтинча иш билан
банд бўлган шахслар меҳнат фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш, уларнинг пенсия таъминоти ва ижтимоий суғуртаси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш лозим.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси
Сайловолди дастуридан

СЕМИНАР

Халқ вакили изланишдан чарчамаслиги керак

Жаҳон тажрибаси шунини тасдиқлайдики, кучли вакиллик ҳокимияти шаклланимасдан туриб, жамият ҳаётини демократлаштириш осон кечмайди. Чунки вакиллик ҳокимияти фуқаролар хоҳиш-иродасини ифода этадиган, уларни амалга ошириш имконига эга муҳим институт ҳисобланади. Дунё амалиётида депутатлик фаолияти назорат ўрнатиш, сўров юбориш, парламент эшитиш ташкил этиш ва бошқа кўринишларда намоён бўлади. Миллий қонунчилигимизда депутатлик фаолиятини тўлақонли амалга ошириш бўйича



қатор қонда ва меъёрлар жорий этилган. Бу жойларда учраётган муаммоларни чуқур ўрганиш ва уларнинг сабабларини бартараф этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

► Давоми 2-бетда.

Амир Темурнинг адолатпарвар сиёсати


Амир Темур даврида тараққиёт энг юксак чўққига кўтарилди. Деҳқончилик, ҳунармандчилик ривожланди. Бу ўз навбатида, ички ва ташқи савдонинг ўсишига олиб келди. Афғонистон, Ҳиндистон, Арабистон, Озарбайжон ва бошқа юртлар билан алоқаларнинг ўрнатилиши савдонинг кенг қулоқ ёйишига замин яратди.

3

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Маҳаллий кенгаш
депутати,

зиммангизда қандай масъулиятли
вазифалар турганини биласизми?



Парламент назорати
давлат ҳокимияти ва бошқаруви
тизимини демократлаштиришнинг
муҳим шартидир

СЕМИНАР

Халқ вакили изланишдан чарчамаслиги керак

Депутат аҳоли томонидан давлат ҳокимиятининг олий, маҳаллий вакиллик органларига сайланган ишончли вакилдир. Шунинг учун унинг зиммасида сайловчилар манфаатларини ифода этиш вазифаси туради. Депутат қайсидир масалада мутасадди ташкилотларга сўров юбориш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан назорат ўрнатиш, аниқланган масалани халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш сессиясида кўриб чиқиш учун таклиф киритиш ва бошқа ҳуқуқларга эга. Тўғри, берилган ҳуқуқ ва ваколатлар кенг, лекин улардан самарали фойдаланиш ўзига хос ва мураккаб жараён ҳисобланади.

Бирор масалани чуқур таҳлил этиш, унинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш керак. Шундан сўнг муаммога бевоқиф алоқадор ва масъул бўлган тегишли ташкилотларга сўров юбориш, унинг натижаларини умумлаштириш, керак пайтда, уни халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш муҳокамасига олиб чиқиш зарур бўлади. Албатта, бу билан масала ҳал бўлиб қолмайди. Мутасадди ташкилот раҳбарининг депутат юборган сўровга жавоби, сессия қарори ижроси устидан депутатлик назоратини ўрнатиш ҳам талаб этилади. Иш шу тартибда изчил йўлга қўйилсагина натижа ижобий бўлади. Энг муҳими, бирор муаммо ҳал этилади, одамларнинг оғири енгил, сайловчиларнинг эса муроди ҳосил бўлади.

ЎзХДП Марказий Кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган семинарда шу масала иштирокчилар диққат марказида бўлди. Сўзга чиққанлар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда депутат ваколати ва



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар

имкониятларига тўхталиб ўтишди. Хусусан, депутатлик назорати ва депутат сўрови институтидан самарали фойдаланиш механизми, бу борада тўпланган тажриба, хато ва камчиликлар таҳлил этилди. Мазкур йўналишдаги долзарб вазифалар юзасидан таклиф, тавсиялар билдирилди.

— Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг давлат бошқаруви органлари устидан назоратини, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича аниқ таклиф, муқобил дастурларни илгари суриш борасидаги фаолиятини кучайтириш бугун олдимизда турган энг асосий талаблардан биридир, — деди ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева. — Шу маънода ҳар бир депутатдан ҳаётимизнинг устувор ва долзарб йўналишларини ўз ичига олган, ижтимоий-иқтисодий соҳалар ривожини, таҳлил қилиб бориш, ечимини қутаётган масалаларни ҳал этиш учун белли маҳкам боғлаб курашиш талаб этилмоқда. Бу борада депутатлик сўрови институтидан фойдаланишнинг аҳамияти катта, албатта.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги

конунида депутатнинг ҳуқуқларидан бири сифатида депутат сўрови билан мурожаат этиш ҳуқуқи белгиланган. Депутат сўрови тушунчасига эътибор қаратадиган бўлсак, депутат сўрови — бу депутатнинг тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига қирадиган масалалар юзасидан асосланган ҳудудда тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби кўрсатилган мурожаати ҳисобланади.

Асосий масала шундаки, депутат кимдир унга мурожаат қилишини кутиб турмаслиги керак. Нимага десангиз, бир кишининг муаммосини ҳал қилиб бериш бошқа-ю, катта бир ҳудуд аҳолисини ўйлантираётган муаммонинг ҳар томонлама чуқур ўрганиб, масала бўйича депутатлик сўрови юбориш, керак пайтда, уни сессия муҳокамасига олиб чиқиш бўлмайди. Шунинг учун маҳаллий Кенгаш депутати унга мурожаат этилган масалани ўрганиш, уни ҳал этиш иши билан чеklangмаслиги керак. Муаммонинг келиб чиқиш сабабини ўрганиш, унинг илдизига етиб бориш лозим. Бугун бир кишини ўйлантирган

масала, эртага бошқа бир одамни ҳам ташвишга солиши мумкин. Агар масала ҳудуд миқёсида ўрганилиб, унга мутасадди ташкилотлар эътибори кучайтирилса, эришиладиган ижобий натижанинг салмоғи янада ошади.

— Бугун ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларига қаратилган аниқ таклиф ва ташаббуслар билан чиқишда депутатлар фаоллигини кучайтириш давр талабига айланди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилмурод Саъдуллаев. — Бу борада унинг ҳуқуқи, мақоми кенгайтирилди. Улардан фойдаланиш учун, аввало, сайловчилар билан доимий мулоқотда бўлишимиз, одамларнинг кайфияти ва фикрини ўрганиб боришимиз керак, деб ўйлайман.

Ҳаёт ўзгарди, кундан-кунга одамларнинг янги талаблар қўйилмоқда. Депутат ҳаётни зийрак бўлиб кузатиб бориши, ўйлаши, аҳолини ташвишлантириб келатган масалаларни ҳал этиш чораларини доимий излаши керак. «Бу муаммо бўйича ҳеч ким мурожаат қилмадику, кимдир мурожаат қилсагина масалани ҳал этишга қўмақлашарми», деган фикрда ишласак, одамларга, тараққиётга нафимиз тегмайди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎзХДП: ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ



Кексалар ҳаёти — ёшларга ибрат

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейида ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши ва Юнусобод туман кенгаши ҳамкорлигида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Унда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қаноти аъзолари, шунингдек, ижтимоий ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Юнусобод туман кенгаши раиси Нигора Эшметова сўзга чиқиб, Давлат дастурида белгиланган чора-тадбирларни амалга оширишда ЎзХДП ролини кучайтириш, ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтди.

Қайд этилдики, Дастурда белгиланган вазифалар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади.

Шундан келиб чиқиб, партия ташкилотлари ва депутатлар ҳар бир маҳалла, кўча ва ҳудудда кексаларни эъзозлаш, уларга яқиндан ёрдам кўрсатиш ишларида фаол қатнашишлари керак.

Нуронийларимизни қадрлаш, уларга меҳр-мурувват, иззат-хурмат кўрсатиш халқимизга хос азалий қадриятлардан биридир, — дейди «Нуроний» жамғармаси Юнусобод тумани бўлими раиси Анвархўжа Ғуломов. — Шу боис ҳаётимизнинг, ҳар бир хонадоннинг файзи бўлган кексаларимиз-

Нуронийларимизни қадрлаш, уларга меҳр-мурувват, иззат-хурмат кўрсатиш халқимизга хос азалий қадриятлардан биридир.

ни ардоқлаш, уларга юксак ҳурмат кўрсатиш асосий вазифамиздир. Туманимизда истиқомат қиладиган 600 нафардан ортиқ уруш қатнашчиси ва меҳнат фахрийси даволаниш масканларига бепул юборилади. Шунингдек, кексалар тиббий-қўриқдан ўтказилиб, уларга турли хил артапед, қўлтиқтаёқ ва протез асбоблари тарқатилади.

Биз тинч-тотув ҳаётга осонликча эришмадик. Бу ҳақда ёшларга гапириб бериш, шундай фаровон ҳаётга эришиш йўлидаги интилишларимиз ва мақсадларимизни ёшлар онгига чуқур сингдириш, уларнинг Ватанга муҳаббат туйғусини уйғотиш муҳим аҳамиятга эга.

Йиғилиш давомида ЎзХДП Тошкент шаҳар, туманлар ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси кенгашлари томонидан Дастурда белгиланган чора-тадбирлар режаси кенг муҳокама қилиниб, уларни амалга оширишда фаол иштирок этиш юзасидан тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Феруза НАБИЕВА

www.xdp.uz

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари фаолияти ҳақида мазкур сайтдан батафсил ахборот оласиз.

ЎзХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Айни пайтда Жиззах вилоятида ЎзХДПнинг 434 та бошланғич ташкилоти фаолият юритади. Улар партиянинг ғоялари, дастурий мақсад ҳамда вазифаларини амалга ошириш, аҳолига тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ифодалаш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

Одатда, бошланғич ташкилотни партиянинг бош бўғини, асоси, таянчи, деймиз. Бугун ана шу бош бўғин етарли даражада фаоллиқ, ташаббускорлик кўрсатаяптими? Қандай ижтимоий масалаларни кўтариб чиқапти? Уларнинг ечимини топиш бўйича қандай таклифлар билдирмоқда?

салалар юзасидан таклифлар ишлаб чиқилишида муҳим ўрин тутаяди.

Шунинг учун бошланғич ташкилотлар аъзоларининг фикр-мулоҳазалари, таклиф ва истаklarини бизга етказиб турадиган механизм вазифасини бажаради.

— Шаҳримизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда 60

Ташаббус етакчилардан чиқиши зарур

масса» очик акциядорлик жамиятидаги бошланғич ташкилот болалиқдан ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш, Феруза Азизова раис бўлган «Санзор» маҳалласи ҳудудий партия ташкилот эса бемор кишилар ҳолидан хабардор бўлиш каби ишларга алоҳида эътибор қаратапти.

Дарҳақиқат, бошланғич партия ташкилотининг ташаббускор бўлиши, таклиф-мулоҳазалар билан чиқиши кўп жиҳатдан унинг етакчисига боғлиқ. Агар етакчи фаол ва қатъиятли бўлса, ўша жойда партиявий-ташкилий ишларнинг натижаси кўпроқ кўзга ташланади. Афсуски, барча бошланғич ташкилотлар, уларнинг етакчилари тўғрисида ҳам шундай ижобий фикрлар айтиш қийин. Фақат маърузалардан иборат йиғилишлар ўтказишдан нарига ўтмаётган бошланғич ташкилотлар ҳам йўқ эмас. Бугун кўйи бугундан партия ғоялари, дастурий мақсад ҳамда вазифаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, бунинг учун турли мавзулардаги учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказиш, кўпчиликни жалб этадиган қизиқарли, таъсирчан тадбирлар уюштиришда ташаббускор ва ташкилотчи бўлиш, кўпроқ таклифлар билан

чиқиш талаб этиляпти.

— Очиги, бошланғич ташкилот яхши ишламаса, номига фаолият юритса, сиёсий партиянинг келажаги, обрўси ҳақида гапириш қийин, — дейди Зомин тумани халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими бошланғич партия ташкилоти етакчиси Шахло Эшбоева. — Шунинг хисобига олган ҳолда, биз партия ғоялари, дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратаймиз. Бунинг учун ҳар бир аъзо фаоллиги, у бажараётган амалий ишларни сарҳисоб қилиш лозим. Аъзоларнинг вазифаси бошланғич ташкилот йиғилишида иштирок этиш, қандай маъруза ўқилса, фикр айтилса, уларни эшитиб қайтишдан иборат бўлмаслиги керак. Ҳар бир аъзо муҳокама қилинган масала устида фикр юритиши, ўз таклиф-мулоҳазаларини билдириши зарур. Биз бошланғич ташкилотимиз фаолиятида шунга амал қилаёtmиз.

Эътиборли жиҳати, мазкур бошланғич ташкилот етакчиси ва фаолларининг таклифи ҳамда ташаббуси билан тумандаги умумтаълим мактабларида ўқув-

чиларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш масаласи халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи томонидан ўрганиляпти. Унинг натижаларини тегишли доимий комиссия муҳокамасига киритиш мўлжалланган.

Шу ўринда Жиззах шаҳридаги «Маданият» маҳалласидаги ҳудудий партия ташкилоти фаолиятига алоқадор бир мисолни ҳам айтиб ўтиш ўринли бўларди. Ушбу бошланғич ташкилот етакчиси ва фаолларининг сайёҳаракатлари билан ёлғиз қария Людмила Дворникова яқинда санаторияда даволаниб, саломатлигини тиклаб қайтди.

Бундай амалий ташаббуслар билан чиқаётган бошланғич ташкилотлар фаолиятдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бугун одамларнинг онги, дунёқараши, тафаккури, фикр-ўйлари бошқача. Ҳозир сиёсий партияларга уларнинг амалий ишларига қараб баҳо берилаяпти. Қайси сиёсий партиянинг етакчилари, фаоллари фидойи, ташкилотчи бўлса, ўша партиянинг таъсир кучи, обрўси ошади.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



■ БУ ЙИЛ «ЎзХДПнинг ЭНГ ФАОЛ АЁЛИ» КўРИК ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛАДИ.



■ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ЙИРИК ЛОЙИХАЛАРИДАН БИРИ — «ЁШ СИЁСАТЧИ — 2015» КўРИК ТАНЛОВИНИНГ ДАСТЛАБКИ БОСҚИЧИ ЖОЙЛАРДА КўТАРИНКИ РУҲДА ЎТМОҚДА.

